



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
29 декабрь
ШАНБА
№ 104
(12.532)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг XXII сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, бошқармалар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари етакчилари иштирок этишди.

Сессияга вилоят ҳокими, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси Рустам Холматов раислик қилди.

Сессия Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, сенатор Махмуджон Тоировнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўнинчи ялпи мажлисининг яқунлари тўғрисидаги маърузасини тинглади. Депутатлар вилоят ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Анвар Абдуқодировнинг вилоят маҳаллий бюджетининг 2011 йилги ҳамда 2012 йилги кўтилаётган ижроси ва 2013 йилги бюджет параметрлари, Халқ демократик партияси депутатлик гуруҳи раҳбари, вилоят Кенгашининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссия-

ЙИЛ ТУҲФАСИ

Янги йил арафасида Чиноз туманида ижтимоий ҳимоя қилинувчи фуқаролар ва уларга хизмат кўрсатувчи ходимлар учун ажойиб қулайлик яратилди. Республика Президентининг "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар доирасида бу ерда 2012 йилги инвестиция дастурига киритилган икки қаватли замонавий янги бино қуриб, фойдаланишга топширилди.



Уни бунёд этишга 340,1 миллион сўм маблағ сарфланди. Юмшоқ, қаттиқ ва офис мебеллари, 15 дона компьютер жамланмаси ва бошқа техника воситалари билан жиҳозланди. Бунинг учун 28 миллион сўмликдан кўпроқ маблағ ажратилди.

Янги бинони фойдаланишга топшириш муносабати билан Бюджетдан ташқари пенсия жамгар-

маси туман бўлимида ўқув-амалий семинар ҳам ташкил этилди. Иштирокчилар бўлимининг иш фаолияти билан танишишди, пенсия таъминоти ва тиббий меҳнат-эксперт комиссиялари фаолиятини янада яхшилашнинг долзарб масалаларига доир маърузалар тингладилар.

Юсуф ЖУМАЕВ.
Даврон АХМЕДОВ
олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУДДАТЛИ ҲАРБЎЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБЎЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг қақуруви ёшида бўлган ҳарбий хизматчилар 2013 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига қақурилмайдиган фуқаролар сафарбарлик ча-

қируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2013 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилинсин.

3. Маъқур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Миллий хавфсизлик кенгашининг Котиби Б. Ташматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 2012 йил 28 декабрь.

Вилоят ҳаёти

Зангиота тумани ҚИШЛОҚДА МЕБЕЛЬ КОРХОНАСИ

Қатортол қишлоғида янги корхоналар тобора кўпайиб бормоқда. Яқинда Ҳабиб Нўмон кўчасининг Эркин қишлоғи билан туташган қисмида икки қаватли мебель корхонаси фойдаланишга топширилди. Дастлаб бу ерда 15 киши меҳнат қилган бўлса, ҳозир 25 киши доимий иш билан банд.

Келгусида ишлаб чиқариш кўлами кенгайиши ҳисобига ишчиларни 50 нафарга етказиш мўлжалланмоқда. Шу билан бирга қишлоқ марказида ҳўжалик моллари дўкони ҳам ишга туширилди.

Ўз мухбиримиз.

Олмалиқ шаҳри "БИЗ БИРГАМИЗ!"

Шаҳардаги "Борис Ли" спорт мактабига кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларини байрам билан кутлаб, "Биз биргамиз" мавзусида тадбир уюштирилди.

Тадбирда спорт мусобақаси ташкил этилиб, 20 дан зиёд иштирокчилар "Қамолот" ЕИҲ, "Қамалак" болалар ташкилотининг эсдалик совғаларига эга бўлдилар.

Ангрен шаҳри БАЙРАМ ФАЙЗЛИ ЎТДИ

9-маҳсус мактаб интернатда "Қамалак"дан Янги йил" лойиҳаси доирасида байрам ташкил этилди. Интернет тарбияланувчиларининг арча атрофидаги ўйин-қулғулари байрамга янада файз бағишладилар.

Болажонларга ҳомийларнинг байрам совғалари топширилди.

Бўстонлик тумани ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ КЕЛДИ

Тумандаги 4-мактабга таълим муассасасида Янги йил тантанаси бўлиб ўтди. Байрамда тарбияланувчилар иштирокида сахналаштирилган дастур намойиш этилди.

Қорбобо, қорқиз ва эртак қаҳрамонларининг ташрифи болажонларга хўш кайфият бахш этди. Турли ўйинлар ўйнаб, совға-саломлар тарқатилди.

Бекобод тумани ТУРМУШИМИЗ ОБОД БЎЛАДИ

Янги - Обод турмуш йили арафасида "Хўжа Аҳмад" фермер ҳўжалиги яна бир хайрли ишга қўл урди.

Хўжалик раҳбари икки ёшнинг никоҳ тўйларига моддий ёрдам бериб, уларни тураржой билан таъминлади.

Ирода МАКСУД қизи.

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ҲАФТАЛИГИ

Туманда "Соғлом она - соғлом бола" Давлат дастури доирасида 17-22 декабрь кунлари болалар орасида "А" витамини танқислигининг олдини олиш бўйича "Болалар саломатлиги ҳафталиги" "Витамин А" сапелментациясининг наватбадаги 19-тури ўтказилди.

Ҳафталик 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар ўртасида жойлардаги қишлоқ врачлик пунктлари ва туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида амалга оширилди.

Ўз мухбиримиз.

ЎРУҒ ЮЗ БИЛАН ЭЗГУ НИЯТЛАР САРИ

Ҳадемай ҳар бир ватандошимиз учун унутилмас воқеаларга бой бўлган 2012 йил ҳам тарих зарварларига энг ёрқин рангларда битилди. Зеро, Мустаққам оила йилнинг ҳосиятли қадамлари қўтлар келди. Йил дастури доирасида Юртбошимиз раҳнамолигида олиб бо-

рилган бунёдкорлик ишлари самараси ўлароқ юртимиз кўркем, оилалар мустаққам, хонадонлар обод бўлди. Аввало, аёл, она ва бола, ёшлар, шунингдек, ёш оилалар қўллаб-қўватланди. Барча саъй-ҳаракатлар оилалар фаровонлигига йўналтирилди.

Бундай хайрли амаллар вилоятимиз аҳли учун ҳам кўпгина қувончли дамларни, файзли кўнларни, кутбаракали фаровон турмушнинг туҳфа этди. Албатта, бундай неъматларда аҳолининг баракали меҳнатлари, интилуванчилиги, ғайрат-шижоати, ишончу илҳоси асосий омил бўлди.

Аҳолининг яридан кўпрогини ташкил этадиган аёллар фаолиятида мамла-

катимиз раҳбарининг хотин-қизлар кўмиталари ҳақидаги фикрлари дастуриламал бўлиб хизмат қилди:

"Хотин-қизлар кўмитаси ўзида, аввало жамоатчилик ташаббусини мўжзам этадиган тузилмадир. У хотин-қизларнинг жамоатчилик асосида тузиладиган бошланғич ташкилотлари орқали аёлларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ва турли ман-

фаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўзига хос муаммоларини ечишга қаратилган табиий интилушларини ифода этади. Агар биз эртанги кунимизни қуқурроқ тасаввур этадиган бўлсак, хотин-қизлар кўмитасини фуқаролик жамиятининг том маънодаги узвий бир қисмига айлантиришимиз зарур..."

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН УЯЛИ АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ

Dedeman Silk Road меҳмонхонасида Artel савдо белгиси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган замонавий уяли алоқа телефонларининг дастлабки бешта моделини тақдим этди.

Artel савдо белгиси "Made in Uzbekistan" уяли алоқа телефонларининг биринчи ишлаб чиқарувчисига айланди.

Маиший техника ишлаб чиқарувчи ишончли компаниялардан бири бўлган Artel савдо белгиси мобил телефонларнинг 5 та: Aid5, Komi3 (dual sim), U30 (dual sim), H20 ва D83 моделлари ни харидорларга тақдим этди.

Аппаратларнинг ҳаммаси махсус операция тизимида ишлайди. Бу телефонлар жаҳон андозаларига мувофиқ 4 дюймгача бўлган ўлчамдаги дисплей, замонавий ва қулай процессорлар, 4 Gb гача бўлган хотира карталарига эга. Шунингдек, бу телефонларга диодли ёруғлик, автофокус, макро тасвирга олиш мосламалари, 8 карали кўп функцияга эга бўлган фотокамарлар ҳам ўрнатилган.



Улар орқали Интернетга WAP, GPRS, EDGE, e-mail POP/SMTP, HTML, email IMAP4 технологиялари орқали улашиш мумкин. Телефонларда овозлар тўплами ва овоз билан бошқариш, USB, Wi-Fi ва Bluetooth ҳам мавжуд.

Artel аппаратлари шарқона муҳитни ҳисобга олган ҳолда ишланган. Ху-

сусан, тиллар, обойлар ва мавзулардан ташқари, Ўзбек ва рус тиллари, Шарқ тароналаридан иборат рингтонлар, безаклар ўзбекона скринсейверлар ўрнатилган.

Artel уяли алоқа телефонлари ўзининг ҳорижий аналогларидан 30 фоиз арзон бўлиб, компания томонидан бир йил давомида бутун республика бўйлаб бепул сервис хизматлари тақдим этилди.

2012 йил охиригача компания 40 мингта телефон ишлаб чиқарган бўлса, 2013 йилда ишлаб чиқариш ҳажмининг 500 мингтага етказиш режалаштирилган. Кейинчалик эса уларнинг ҳажми йилига 2 миллион донани ташкил этади.

Artel савдо белгиси келгусида планшетлар, коммуникаторлар ва USB-модемларни ишлаб чиқаришни ҳам режалаштирган.

Таъкидлаш жоизки, Artel уяли алоқа телефонлари шу йилнинг 20 декабридан савдога чиқарилди.

Манзура БЕКЧОНОВА,
"Туркистон-пресс".

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чу-

қурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳимоя қилиш, маърузасида таъкидланганидек, бу вазифани амалга ошириш давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш билан чамбарчас боғлиқдир.

ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ - ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Вилоят адлия бошқармасида "Давлат органлари фаолиятида қонунийлик талабларига риоя этишининг долзарб масалалари" мавзусида ташкил этилган семинарда бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг самардорлигини янада кучайтиришга қаратилган ишлар таҳлил қилинди. Унда вилоят сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти ва ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари ва маъсўл ходимлари иштирок этишди.

Ўқув-машуғулотини вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Лазиз Мусасайхов олиб борди. Адлия вазири Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси

яқунланаётган йилда амалга оширилган саъй-ҳаракатларнинг натижалари билан иштирокчилар таништирилди. Шунингдек, улар вилоят давлат органлари фаолиятида қонунчилик талабларига риоя этилишининг долзарб масалалари ҳақида маъруза ҳам тингладилар.

Таъкидландики, Адлия вазири Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг вилоят ҳудудий бўлими йил давомида прокуратура ва ички ишлар, божхона ва солиқ идоралари, жойлардаги бир қатор ижроия ҳокимияти органлари фаолиятида қонунларни қўлланган амалиётга доир 11 та ўрганиш ўтказди. Шу жараёнда қонунчиликнинг бузилиши билан боғлиқ 800

дан ортиқ ҳолат аниқланди. Ҳудудий бўлим бу камчиликларни, уларнинг сабабларини бартараф этишга қаратилган 40 дан ортиқ тақлиф тайёрлади. Ўрганиш натижага бўйича 4 мансабдор шахс маъмурий, давлат идораларининг 45 ходими интизомий жавобгарликка тортилди. Бир ҳодим эғаллаб турган вазифасидан бўшатилади. Амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга қаратилган 4 та тақлиф тайёрланди.

Машуғулот давомида иштирокчилар қонунийликни таъминлашда сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни кучайтириш юзасидан атрофлича фикрлашиб олдилар.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида "Мустаққам оила йили давлат дастури ижросини таъминлашда банкларнинг роли" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Марказий банк томонидан ўтказилган маъқур тадбирда тижорат банклари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда тижорат банклари томонидан ўтган 11 ой давомида кичик бизнес субъектларига қарийб 5 триллион сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 31 фоиз кўп миқдорда кредит маблағлари ажратилганлиги, шу билан биргаликда озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик тузилмаларининг қарийб 1,8 триллион сўмлик лойиҳалари банклар томонидан молиялаштирилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Тижорат банклари томонидан 320 миллиард сўмдан кўп истезмол кредитлари аҳолининг турмуш мада-

риш мақсадида банклар томонидан 956 миллиард сўмдан жумладан, хотин-қизларни тадбиркорлик соҳасига фаол жалб этишга йўналтирилган кредитлар ҳажми 451 миллиард сўмдан кўпрогини ташкил этади. Шунингдек, жорий йил давомида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 47 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари билан таъминландилар.

Тижорат банклари томонидан 320 миллиард сўмдан кўп истезмол кредитлари аҳолининг турмуш мада-

даниятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хотин-қизларнинг уй меҳнатини енгиллаштиришга қаратилган имтиёзли истезмол кредитлари 3 йилгача бўлган муддатга энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача бўлган ҳажда ажратилмоқда.

Бугунги кунда ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрлик, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида банклар томонидан 272 миллиард сўмни ташкил этадиган 48 хонали 100 та кўп қаватли уй қуриш ишлари молиялаштирилмоқда.

Матбуот анжуманида соҳа мутахассислари республика бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидаги режалар ҳақида журналистларга батафсил маълумот беришди.

Алиёр ОРИПОВ,
"Туркистон-пресс".

САРҲИСОБ

Ҳозирги кунда вилоятимизнинг 18 та туман ва шаҳарларида хотин-қизлар кўмитасининг 3 минг 322 та бошланғич ташкилотлари фаолият юритмоқда. Улар ёрдамида хотин-қизлар кўмиталари дастурий режасида 4 та асосий йўналиш: хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, социал ва меҳнат фаолигини ошириш, хотин-қизларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш ва уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, хотин-қизлар саломатлигини асраш, фан, таълим, диний маърифат ва хотин-қизлар маънавий манфаатларини муҳофаза қилиш, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. "Мамлакатда (Давоми. Боши 1-бетда).

демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да белгилаб берилган хотин-қизлар кўмитасининг вазифалари бу ишлар иж-

дорлари, "Йил аёллари", "Йилнинг энг яхши маслаҳатчи"лари, "Энг яхши тadbиркор аёл"лари ва бошқа бир қатор турли танлов, мусобақалар голиблари, спортчи оилалар, гимнасти-

дориди кредит ажратилган фикримиз далили. Бу маблаглар вилоятимизда рўйхатдан ўтган 2540 тadbиркор аёлнинг ўз оиласи, маҳалласи, тумандошлари, ватандошлари дас-

лар" тўғрақларига қатнаётган 15 миңдан ортиқ қизлар келгусида ибратли оила, обод хонадон соҳиблари бўла олади деган умиддамиз. Қисқаси, Мустаҳкам оила йилини чинакам обод қилишга астойдил киришишимиз керак. Бу борада вилоят хотин-қизлар кўмитасининг 2013-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури асосидаги фаолиятини изчил давом эттириш, ижтимоий шериклик тамойилларига амал қилган ҳолда бошқармалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш, аёлларнинг бандлиги, меҳнат ва таълим олиш шaroитларини яхшилаш, тadbиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш - сaй-ҳаракатларимизнинг асосий мақсадига айланиши керак. Ниятимиз - Юртбошимиз таъкидлаганларидек, Ватан, эл-юрт, турмуш ободлиги йўлида бор куч-қувватимизни ишга солиш.

Сайёра ФАЙЗИЕВА, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси.

ҲАЁТИМИЗ ГЎЗАЛЛАШСИН

Аёлларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятнинг барча бўғин ва қатламларида хотин-қизларнинг иштирокини кучайтириш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасидаги муҳим масалага айланди. Албатта, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш гоёсини аёлларнинг иштирокисиз амалга ошириш мушкул. Шу боис аёлларда ижтимоий-сиёсий кўникмаларни янада чуқурлаштириш ва давлатимиз барча йўналиш ҳамда соҳаларда олиб бораётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу вазифаларни амалга оширишда сиёсий партияларнинг ҳам ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор. Хусусан, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг сайловдаги дастурида партия хотин-қизларни давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча жабҳаларига жалб этиш, чуқур билим ва касб маҳоратига эга хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиши демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида яна бир муҳим омил бўлиб хизмат қилиши таъкидланган. Айнан шу дастурий мақсад ва вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун партия аъзолари бўлган хотин-қизлар ўртасида "Оқила аёл - мустаҳкам оила яратувчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичида голиб чиқди. Шу билан бирга оиламизда ҳам янги қиз неварадунёга келди.

Мустаҳкам оила йили меннинг ҳаётимда шундай эг қолдирди. Обод турмуш йилида ҳам ижтимоий фаолликни давом эттириш, ҳаётимизни янада гўзаллаштириш, фарзандларини она Ватанимиз хизматига қармашта инсонлар қилиб тарбиялаш энг муқаддимдир. Янги йилнингиз билан, азиз ҳамюртлар! Насиба ҒАФУРОВА, "Оқила аёл" кўрик-танлови вилоят босқичи голиби.

ШУКРОНА

Ҳар бир йил ҳаётимизда салмоқли из қолдирмоқда. Бунга сўнгги йилларда эришган натижаларим ёрқин бир мисол.

УМИДИМ КАТТА

Мақтабимизда ташкил этилган спорт тўрагаги машғулотларида қатнашиб, мураббий Шеруфат Усмоновдан ўзбек жанг санъати маҳоратини ўргандим. Дастлаб 12-14 ёшли қизлар ўртасида ўтказилган республика чемпионатида 38 килограмм ваэн тоифасида фахрли учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдим. Ўтган йили бу натижани яна бир бор такрорлаб, республика биринчилигида бронза медали ва дипломга сазовор бўлдим.

Ўзбекистон мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган республика мусобақасида эса, фахрли иккинчи ўринни эгалладим. Мен моҳир устозлар раҳбарлигида спорт маҳоратимни ошириб бориб, Обод турмуш йилида яна ҳам юқори натижаларга эришиш учун мунтазам машқ қилаяман. Янги йилда омад менга яна кулиб боқишини орзу қиламан. Дилхумор БАҲОДИРОВА, Ўрта Чирчик туманидаги 11-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси.

НАЗОРАТ

ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИДА ИЖРО ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЮРИТИШ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН МУАЙЯН ҚОНУН-ҚОНДАЛАР АСОСИДА ОЛИБ БОРИЛИШИ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Ҳар бир қурилиш объектида, у қимга қарашли экани ёки мулкчилик шаклидан қатъи назар, қурилиш ишларини олиб боришда белгиланган тартибда махсус ижро ҳужжатлари юритилиши лозим. Бу журналлар ер ва бетон ишлари, пайвандлаш, гишт териш, монтаж ҳамда махсус ишлар журналлари ҳамда муаллифлик, техник назорат ва шу каби бошқа иш юритиш ҳужжатларидан иборатдир.



ашёлари, буюмлари ва конструкциялари стандартлар талаблари ёки техник шартларга жавоб бермас, махсус лозинг камчилик ва нуқсонларни ҳақида далолатнома тузилади. Далолатнома камчилик ва нуқсонлар аниқлангандан сўнг беш кундан кечикмай тайёрланиши керак. Камчилик ҳамда нуқсонларнинг хусусиятлари кўрсатилади. Қабул қилиб олуви сифатсиз ёки бут эмас деб топишган махсуслошларни сифатига зарар етмайдиган шaroитда сақлаши лозим.

Булардан ташқари, қурилиш объектига кирган ва қабул қилиб олинган қурилиш материаллари ва конструкцияларини қайд этиш назорат журнални мунтазам юритиш меъёрий ҳужжатларда белгиланган.

Келишилган ҳолда киритилган ўзгаришлар ҳам қайд этиб борилади. Ушбу масъулиятли ишлар бюротмачи ва пудратчи ташкилотларнинг мутасадди раҳбарлари зиммасига юклатилган.

Кирин назорати қурилиш материаллари ва конструкцияларини қабул қилиб олиш O'zDST, GOCT, KMK ва ШНК иш ҳужжатлари талаби асосида амалга оширилади. Қурилиш конструкциялари, буюмлари, ашёлари ва усқуналарини кириш назоратидан ўтказишда уларнинг стандарт (республика ҳамда давлатлараро) талабларига жавоб бериш-бермаслиги ёки бошқа меъёрий ва иш ҳужжатларига мослиги, шунингдек, паспортлари, сертификатлари ва сифатига оид бошқа илова ҳужжатлари бор-йўқлиги ва уларнинг маъзун-мундарижаси таъқиқ кўрик орқали текшириб турилади.

Агар келтирилган қурилиш объектларида қурилиш ва конструкциялари сифатсиз ашё, буюм ва конструкциялар келтирилишига йўл қўймаслик учун ўтказилади, - дейди Тошкент вилояти Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси бошлиғи вазифиниси бажарувчи Носир Дехқонов. - Зеро, сифатсиз қурилиш ашёлари билан барпо этилаётган ҳар қандай объект аввалбосданқо нопоп бўлиб қолишига олиб келади. Самад ЙЎЛДОШ.

РЕЖАЛАРИМИЗ УЛКАН

Маҳалламиз йирик, 264 та хонадонда 2100 киши яшайди. Ўн миллиат вакиллари катта бир оиладек тинч-тотув истиқомат қилишяпти.

Фаолларимиз Мустаҳкам оила йилида ёш оилаларнинг турмуш даражасини кўтариш, кўча ва майдонларни ободонлаштириб, кўчаларимиздаги аҳолининг ҳаётини яхшилашга эътибор қаратишди. Маҳалла гузару қилиб, Хотира мемориал ёдгорлиги ўрнатилганлиги аҳолини қувонтирди.

Спорт ишлари қизгин тус олди. Бунинг натижасида футбол ва оилавий спорт жамоаларимиз туманда биринчи, волейбол жамоамиз иккинчи ўринни эгаллади. Юртбошимиз ташаббуслари билан Обод турмуш йили деб ном берилган 2013 йилда бу ишларни яна ҳам кенгайтириш режаларини ишлаб чиқяпмиз. Маънавий баркамол ёшларни тарбиялаш, тadbиркорлик ҳаракатини кенгайтириш, ҳар бир хонадонни обод ва кўркям масканларга айлантириш ниятидამиз.

ЭРТАКЛАР ДУНЁСИ — ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРГА

Вилоят шаҳар ва туманларида болаларнинг Янги йил шодмённалари бошланди.

Кувнок ва хушхандон ўтган бу хайрия байрами Чирчикдаги 14-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари хотирасида бир умр сақлаиб қолади. Уни вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан "Sen Yolg'iz Emassan" республика жамоат болалар фонди ташкил этди. Болаларга ҳаяд этилган дастур кенг қамровли бўлди. Болалар ўзларини эртақлар дунёсида ўйин-қулги қилаётгандек ҳис этишди. Саҳналаштирилган томошалар, чарогон арча теварагида шўх-шўқ рақслар, танловлар, қизиқарли оммавий ўйинларда барча баробар қатнашди. Қорбоб уларни кириб келаятган Янги йил билан қўлга, тотли совғалар улашди. Ҳар бир тарбияланувчи бошқармаларига асло ўхшамайдиган инъом олди.

Бука туманидаги Меҳрибонлик уйида ҳам шундай қувнок кеча ташкил этилди. Ўз мухбиримиз.

КўНГ ЛИМИЗ ТўҚ

2012 йил пахтачиликда муҳим агротехник тadbирларни ўтказиш учун об-ҳаво гоят оғир ва мураккаб келганига қарамай, вилоятимиз пахтакорлари қатори биз ҳам белгиланган режани ортинги билан удалдодик.

Дехқон, айниқса, биз пахтакорлар учун осон келадиган йилнинг ўзи йўқ. Бу йилги қўлқамнинг беамвори инжиқликлари, ёзинг жазирамаси биз фермерларга кўз очирамай қўйди. Шундай бўлсада, "Даладаги эмас, хирмондаги ҳисоб" қабилади иш тутдики. 85 гектар ерга чигит қададик. Белгиланган 205 ўрнига, 250 тонна хом ашё топишдик. Қувонарлиси, шартнома режасини биринчи теримнинг ўзидаёқ бажардик.

Далаларимизни тозалаш, келгуси йил ҳосили учун гўза қатор оралари ва очик майдонларда кузги галла уругини барвақт ундириб олдик. Хуллас, бу йилги ишларни сарҳисоб қилсак, адоғи кўринмайди. Ҳозир келгуси йилда ҳам катта хирмон қутариш учун куч тўплагяпмиз. Янги - Обод турмуш йилидан умидимиз янада катта. Раҳматхон СОИПОВ, Пискент туманидаги "Олтин кир неъмат" фермер хўжалиғи раҳбари.

МЕЛИОРАЦИЯ

ТЕЖАГАНИНГ — БОЙЛИГИНГ

Республика Президентининг "2008-2012 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори деҳқончиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга ҳужжат бўлди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида инспекциямиз ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш учун бозор иқтисодиёти тамойиллари ҳамда илгор технологияларни жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, истеъмолчиларни сув билан улуқсиз, ўз вақтида таъминлашни ташкил этиш ҳамда ирригация тизимлари ва сув хўжалиғи иншоотларининг барқарор ишлаши ҳам яхши йўлга қўйилди. Қарор асосида вилоятда 8 та махсус корхона ташкил этилди. Уларнинг асосий фаолияти сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган. Шу мақсадда корхоналар коллек-

тор-дренажлар орқали ер ости зах сувларини қочириб, зах арик ва коллектор ҳамда зовур тармоқларини таъмирлашмоқда. Ҳўқуматимиз кўрсатаётган эътибор сабабли ўтган вақт ичида юқори унум билан ишлайдиган 66 та эскаватор ва бульдозер харид қилиниб, корхоналарнинг техник базаси кучайтирилди. Маълумки, эскаватор ёки бульдозерлар вақтида ишлатилиши учун дизель ёнилғиси керак. Бу ёнилғи давлат томонидан бозор нарҳида ахратилади. Шунини инобатга олиб, корхоналарнинг техникаларини учун сарфланаётган дизель ёнилғисини тежаш, ортиқча сарф-ҳаражатга йўл қўймаслик чоралари қўриляпти. Чунончи, шу йилнинг ўтган даврида 5471 куб метр

тупроқ ишларини бажариш учун 1290 тонна ёнилғи сарфланиши керак эди. Лекин амалда 1203 тонна ишлатилди. Бунга илчи тўғри ташкил этиш, техникаларнинг созилиги, янгилари сотиб олинганлиги тўғрисида эришилди. Шунингдек, "Ўздавнефгаз-инспекция", "Ўзнефтех-сулол", "Ўзелиомашлизинг" ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирлиғи ҳамкорлигида жойларда мелиоратив экспедицияларда иштирок этган пудрат ташкилотларининг раҳбар-мутахассислари учун минтақавий кўргазмали ўқув-семинарлари ўтказилаётгани ҳам айни мuddао бўляпти. Семинарларда ёқилги-мойлаш махсуслошларини сақлаш, улардан оқилона фойдаланиш ҳамда ҳисоботларни тўғри юритиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жамол САЛИМОВ, "Ўздавнефгаз-инспекция"нинг вилоят етакчи мутахассиси.

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

ИМТИЁЗЛАР КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Бўстонлик тумани вилоятда саноат махсуслошлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Қиррай туманидан кейин иккинчи ўринда туради. Кейинги вақтларда туман шаҳар ва қишлоқларида саноат ва қайта ишлаш корхоналари янада кўпайиб борапти.

Бунда, албатта, мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ўсишини таъминлаётган тadbиркорликнинг улуши катта. Зеро, макроиктисодий ҳамда молиявий юксалишга эришиш учун кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш устувор вазифалардан биридир. Кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилятгани янги-янги корхоналар очилиши ва аҳоли бандлигини яхшилаш имконини берапти. Ҳозиргача туманда икки ярим миңдан зиёд кичик бизнес субъектлари рўйхатдан ўтди, улардан қарийб 94,1 фоизи фаолият юритапти. Натижада ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари барқарор ривожланапти. Миңдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Фазалкент шаҳридаги "Simtes-Media" масъулияти чекланган жамиятида 10 га яқин олий тоифадаги шифо-кор ва ҳамшира аҳолига кардиология, неврология, терапия, гинекология, дерматология, диагностика каби қатор соҳаларда тиббий хизмат кўрсатиляпти. - Дастлаб фаолиятимизни шаҳарчадаги кўп қаватли уйларнинг бирида бошлаган-

миз, - дейди "Simtes-Media" раҳбари Равшан Мирзахмедов. - Кейинчалик замон талабига мос клиника барпо этдик. Хориждан замонавий усқуналар келтирдик. Бунда, "Қишлоққурилишбанк"нинг туман бўлимидан олинган 100 миллион сўм кредит қўл келди. Бевосита Президентимиз ташаббуслари билан ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга доир қонун ҳужжатлари, 2018 йилга қадар барча турдаги солиқлардан озод этилишимиз истиқболли лойиҳаларни амалга оширишимизда дастурилаймак бўляпти.

Бекзод ХИДОЯТОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

УЛОВИ СОЗНИНГ МАНЗИЛИ ЯҚИН

Юртимизда барча соҳалар қатори аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Йўларда ҳаракатланиш ҳамда ҳайдовчи ва пиёдаларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида барча ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатларда барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгилаб қўйилган.



Шулардан келиб чиқиб, вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси транспорт воситаларини 2013 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича зарур ташкилий чора-тadbирларни белгилади. Унга мувофиқ барча транспорт эгалари автомобилларини техник кўрикдан ўтказишда меъёрий талабларга амал қилишлари лозим. Хусусан, тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобильлар, автобус, троллейбус ва ўриндақлар сони 8 та ва ундан ортиқ

бўлган (ҳайдовчиларнинг ўрнидан ташқари) транспорт воситалари, шунингдек, мунтазам одам олиб юриш учун хизматланган автобуслар, йирик габаритли, оғир ваэтли ва хавфли юкларни ташишга мўлжалланган махсус транспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари йил давомиди икки маротаба - 1 мартдан 30 июнчага ва 1 сентябрдан 31 октябргача назоратдан ўтказилади. Ишлаб чиқарилганига беш йилдан кўп бўлмаган транспорт воситаларини эса икки йилда бир марта техник кўрикка олиб келишлари

лозим. Бундан ташқари, ишлаб чиқарилган мuddати беш йилдан ошган енгил автомобиллар, шунингдек, ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари бир йилда бир марта текширувдан ўтказилади. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб улардан фойдаланишининг биринчи йилда

нишидан камида 10 кун олдин вилоят ИИБ ЙҲХ бошқармасининг рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлими ёки туманлараро бўлинмаларига мурожаат қилишлари лозим.

Вилоятдаги тижорат асосида йўловчи ташиш билан шуғулланувчи барча юридик шахслар тасарруфидаги, ишлаб чиқарилган мuddати 2000 йилгача бўлган автобус ва кичик автобусларнинг мажбурий техник кўриги Олмалик шаҳридаги 1-диагностика станциясида ўтказилиши жойлардаги ҳокимликлар қарорларида кўрсатиб ўтилади. Ўрнатилган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтмаган ёки кўрик пайтида техник носоз деб топишган транспорт воситаларидан фойдаланиш, уларнинг давлат рақами белгиларини ечиб олиш йўли билан тақиқланиб, носозлик ва камчиликлар бартарфга этилгандан сўнг қайта техник кўрикка тақдим этилади. Дилмурод ШУКУРОВ, вилоят ИИБ ЙҲХ бошқармаси техника назорати бўлими бошлиғи.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


«ЎЗБЕКИСТОН ҚАТТИҚ ҚОТИШМАЛАР ВА ЎТГА ЧИДАМЛИ МЕТАЛЛАР КОМБИНАТИ» ОАЖ

барчангизни

Янги йил байрами

билан қутлайди.

Кириб келаётган йил юртимизга баракалар олиб келишини, шаҳару қишлоқларимиз бунданга обод ва кўркам бўлиб, ҳар соҳада дунё билан тенглашаверишини тилайди.



“REALTOR GARANT BUSINESS” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан тақдоран 22.08.2012 й. № 27038/25-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Муса Жалил кўчасида 118-й кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 559 673 025,87 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 14 январь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади. 2. Оҳангарон тумани СИБ томонидан 09.08.2011 й. № 11-1124/11229-сонли ижро варақасига асосан Оҳангарон тумани, Эивалек кўрғони, Озодлик қ.ф.й.да жойлашган қолбаса чеҳи. Бошланғич баҳоси – 88 599 000 сўм. Қибрай тумани СИБ томонидан 16.07.2012 й. № 11-1234/3057-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Унқўрган қ.ф.й. худудида жойлашган: 3. Молхона биноиншоотлари. Бошланғич баҳоси – 330 000 000 сўм. 4. Кафе ва савдо дўкони иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 140 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 29 январь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2013 йил 29 январь кўни савдода сотилмаган тақдирда, мажбур мулкларни сотиш юзасидан тақрорий савдо 2013 йил 13 февраль кўни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қатнашиш истагидagi талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини “REALTOR GARANT BUSINESS” МЧЖ Тошкент шаҳар, “Ипотека банк” АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.

“Realtor Garant Business” МЧЖ Янги йил байрами муносабати билан 2012 йил 31 декабрь ва 2013 йил 2 январь кунларидаги қимомиди савдолари 2013 йил 3 январга қўйрилишини маълум қилади.
Лицензия: RR-0052.

“Respublika Mulk Markazi” ЁАЖ бошланғич баҳоси олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига тақдоран Янги йил тумани СИБ томонидан, 08.07.2010 йилдаги 4278-4288/1-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган “Кўйи Чирчиқ” МТТга қарашли газража сақланаётган автотранспорт воситалари қўйилмоқда:
1) “Мидибус М-24,9” русумли, д/р 11AQ164 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 4 355 121,82 сўм; 2) “Мидибус М-24,9” русумли, д/р 11AQ281 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 4 355 121,82 сўм; 3) “Мидибус М-29,9” русумли, д/р 11AQ284 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 8 667 199,10 сўм; 4) “Мидибус М-24,9” русумли, д/р 11AQ337 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 4 355 121,82 сўм; 5) “Мидибус М-24,9” русумли, д/р 11AQ355 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 4 355 121,82 сўм; 6) “Мидибус М-24,9” русумли, д/р 11AQ342 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 4 355 121,82 сўм; 7) “Мидибус М-24,9” русумли, д/р 11AQ340 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 4 355 121,82 сўм; 8) “Мидибус М-24,9” русумли, д/р 11AQ336 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 6 532 684,19 сўм; 9) “Мидибус М-24,9” русумли, д/р 11AQ353 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 4 355 121,82 сўм; 10) “Мидибус М-24,9” русумли, д/р 11AQ397 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 6 532 684,19 сўм; 11) “Мидибус М-24,9” русумли, д/р 11AQ902 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 6 532 684,19 сўм; 12) “Мидибус М-24,9” русумли, д/р 11AQ903 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 6 532 684,19 сўм; 13) “Мидибус М-23,9” русумли, д/р 11AQ906 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 6 532 684,19 сўм; 14) “Мидибус М-23,9” русумли, д/р 11AQ909 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 6 532 684,19 сўм; 15) “Мидибус М-23,9” русумли, д/р 11AQ912 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси – 6 532 684,19 сўм; 16) “Мидибус М-23,9” русумли, д/р 11AQ915 бўлган, 2001 йилда и/ч автобус. Бошланғич баҳоси –

Гувоҳнома № 006231.

“SPARETRA” МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қўйидаги автотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда: Қибрай тумани СИБ томонидан 1. 07.01.2010 й. № 6630-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. и/ч., Камаз-5511 русумли, д/р 10 P 954 AA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 15 964 228,6 сўм. 2. 07.09.2010 й. № 7834-сонли ижро ҳужжатига асосан Урал Мотоцикл русумли, д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 98 688,3 сўм. 3. 17.12.2009 й. № 12395-сонли ижро ҳужжатига асосан Зил-131 русумли, д/р 11 L 1512 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 865 408,8 сўм. 4. 20.08.2010 й. № 7434/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. и/ч., Т-28X4MC101 русумли, д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 095 063,3 сўм. 5. 20.08.2010 й. № 7434/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1990 й. и/ч., Т-28X4MC101 русумли, д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 319 641 сўм. 6. 10.04.2009 й. № 5933-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и/ч., Газ-24 русумли, д/р 30 T 68 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 457 971 сўм. 7. 05.03.2009 й. № 4132-сонли ижро ҳужжатига асосан 1968 й. и/ч., М-408 русумли, д/р 11 U 1047 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 498 706 сўм. 8. 22.12.2008 й. № 9565-сонли ижро ҳужжатига асосан 1981 й. и/ч., Раф-2203 русумли, д/р 11 T 1286 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 569 187 сўм. 9. 22.06.2012 й. № 9590/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и/ч., Камаз-5320 русумли, д/р 11 X 0082 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 10 583 465 сўм. 10. 22.06.2012 й. № 9589/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. и/ч., Уаз-452 русумли, д/р 11 У 2438 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 567 864,8 сўм. 11. 02.08.2010 й. № 6653-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и/ч., Газ-2411 русумли, д/р 30 T 4652 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 354 827,5 сўм. 12. 14.10.2010 й. № 8835-

сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч., 2 ПТС 4793 А-03 русумли, д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 149 649,4 сўм. 13. 23.02.2009 й. № 3114-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. и/ч., Газ-2401 русумли, д/р 30 D 3293 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 572 144,1 сўм. 14. 17.05.2010 й. № 4697-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и/ч., Камаз-5511 русумли, д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 694 346,1 сўм. 15. 25.05.2009 й. № 7112-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и/ч., Уаз-452 русумли, д/р 11 B 6259 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 592 364,3 сўм. 16. 09.04.2010 й. № 3531-сонли ижро ҳужжатига асосан 1981 й. и/ч., Газ-66 русумли, д/р 11 W 6468 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 732 112,1 сўм. 17. 17.12.2009 й. № 12400-сонли ижро ҳужжатига асосан Урал русумли, д/р 11 I 5796 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 7 393 244,1 сўм. 18. 19.10.2009 й. № 11244-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. и/ч., Уаз-396201 русумли, д/р 11 O 5451 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 233 486,2 сўм. 19. 15.10.2009 й. № 10921-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и/ч., Камаз-5320 русумли, д/р 12 F 8529 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 14 388 765 сўм. 20. 10.09.2009 й. № 10357-сонли ижро ҳужжатига асосан 1971 й. и/ч., Москва-412 русумли, д/р 11 Y 2850 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 278 280,7 сўм. 21. 24.11.2010 й. № 10322-сонли ижро ҳужжатига асосан Урал-Мотоцикл русумли, д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 105 267,6 сўм. 22. 04.02.2011 й. № 814-сонли ижро ҳужжатига асосан Уаз-469 русумли, д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 159 967 сўм. 23. 28.08.2009 й. № 10209-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и/ч., Газ-24 русумли, д/р 11 W 6518 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 271 043,5 сўм.

24. 02.02.2009 й. № 2603-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и/ч., Газ-2401 русумли, д/р 11 M 1943 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 560 911,9 сўм. 25. 14.04.2009 й. № 5932-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и/ч., Уаз-451 русумли, д/р 30 Z 0473 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 061 226 сўм. 26. 26.04.2012 й. № 5782/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1993 й. и/ч., Дога русумли, д/р 01 K 336 EA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 115 286 сўм. 27. 14.08.2009 й. № 9671-сонли ижро ҳужжатига асосан 1973 й. и/ч., Газ-51 русумли, д/р 11 I 0795 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 772 038 сўм. 28. 09.02.2011 й. № 996-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и/ч., Газ-24 русумли, д/р 10 D 214 DA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 019 122 сўм. 29. 11.02.2011 й. № 1064/11-сонли ижро ҳужжатига асосан ИЖ русумли, д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 127 380,7 сўм. 30. 25.04.2011 й. № 2822/11-сонли ижро ҳужжатига асосан BA3-2101 русумли, д/р 30 S 6317 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 776 791 сўм. 31. 02.02.2009 й. № 2603-сонли ижро ҳужжатига асосан Уаз-469 русумли, д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 273 870,1 сўм. 32. 09.04.2010 й. № 3540-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. и/ч., Газ-66 русумли, д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 225 817,2 сўм. Автотранспорт воситалари “Арғин Савдо” Уқда сақланмоқда. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 33. 23.08.2012 й. № 8521/22-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и/ч., Ск-631 русумли, д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 51 007 500 сўм. “Узметкамбинат” ОАЖ худудида сақланмоқда. 34. 09.10.2012 й. № 9209-сонли ижро ҳужжатига асосан 1995 й. и/ч., Газ-31029 русумли, д/р 11 Z 6117 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 225 078 сўм. “Бекободсавдо” МЧЖ омборида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 14 январь кўни

соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 35. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 27.08.2012 й. № 12955/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч., Нексия русумли, д/р 01 T 353 DA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 896 339 сўм. “Нумизматика” МЧЖда сақланмоқда. 36. Қибрай тумани СИБ томонидан 16.07.2012 й. № 1234/3057-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и/ч., Мерседес-Бенц русумли, д/р 10 090 QAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 45 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 29 январь кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 29 январь кўни савдода сотилмаган тақдирда, мажбур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан тақрорий савдо 2013 йил 13 февраль кўни бўлиб ўтишини олдидан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қатнашиш истагидagi талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “SPARETRA” МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИНИНГ АТИБ “Ипотека банк” Шайхонтоҳур филиалига қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 202080001048873050002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76. “Sparetra” МЧЖ Янги йил байрами муносабати билан 2012 йил 31 декабрь ва 2013 йил 2 январь кунларидаги қимомиди савдолари 2013 йил 3 январга қўйрилишини маълум қилади.
Гувоҳнома № 004593.

“SPARETRA” МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 30.10.2012 й. № 7071-ижро ҳужжатига асосан 1996 й. и/ч., Газ-330210 русумли, д/р 11 AN 200 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 9 397 000 сўм. “Бекобод Савдо” МЧЖ омборида сақланмоқда. 2. 23.08.2012 й. № 8521/22-ижро ҳужжатига асосан 1986 й. и/ч., ПС 253 русумли, д/р 11 AQ 768 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 15 325 000 сўм. “Саноаттехномонтаж” ШХЖ худудида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 1 февраль кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 1 февраль кўни савдода сотилмаган тақдирда, мажбур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан тақрорий савдо 2013 йил 15 февраль кўни бўлиб ўтишини олдидан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида ишроқ этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, 1-Корақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rtm.uz.
Гувоҳнома № 004593.

“TURKISTON IHTISOSLASHGAN AUKTION SAVDO” МЧЖ томонидан 2012 йил декабрда Суд департаментининг Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан қўйилган, бошланғич нархи 3 577 291 сўм бўлган “BA3 21063” русумли автотранспорт 4 350 000 сўмга, бошланғич нархи 1 742 000 сўм бўлган “ГБА BA3 2103 СПГ” русумли автотранспорт 2 200 000 сўмга, бошланғич нархи 947 000 сўм бўлган “BA3 2101” русумли автотранспорт воситаси сотилганини маълум қилади.

Тошкент вилояти табиати мўҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси кўмита хисобчиси Райхон Тўрабековага падали бузруквори Ташбек ота ИКМАТОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия эҳор этади.

Об-ҳаво

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 29 декабрь кўни Тошкент шаҳрида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайд. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секинда 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 11-13, кундузи 2-4 даража совуқ бўлади. Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайд, айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секинда 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-15, кундузи 2-7 даража совуқ бўлади. Республикамамининг тоғли худудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайд. Айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секинда 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-18, кундузи 3-8 даража совуқ бўлади.

